Ушбу сонда:
2 ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР
4-7 САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР
8 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 20 декабр, шанба № 198-199 (1624)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҚАРДОШЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

19 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Дўрмон» қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Туркия Республикаси Бош вазирини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Режеп Эрдоган шоҳсупага кўтарилди. Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон Президенти ва Туркия Бош вазири фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.



Шундан сўнг Ислом Каримов ва Режеп Эрдоганнинг яккама-якка суҳбати бошланди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Туркия ўртасида савдо-иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳадаги алоқалар, томонларни қизиқтирган бошқа халқаро масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Учрашувлар якунида уюштирилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, икки мамлакат ўзаро муносабатларни ривожлантириш масалаларида ҳамфикр, муҳокама этилган халқаро муаммолар борасида қарашлари ўхшаш ёки яқин.

Ташрифнинг ўзидан кўзланган мақсад эса ҳамкорликни янги поғонага кўтаришдан иборат. Бунинг учун барча асослар етарли. Икки мамлакат ўртасида муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилган. Бу асос Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқалар, террорчилик ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши биргаликда кураш, ҳуқуқий ёрдам, соғлиқни сақлаш, транспорт, сайёҳлик, маданият каби соҳаларни қамрайдиган жами етмишдан зиёд ҳужжатдан иборат.

Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик кенгашининг 2009-2010 йилларда-ги нодоимий аъзолигига Туркиянинг номзодини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги ушбу мамлакатнинг расмий мурожаатини кўриб чиқмоқда. Ўзбекистон 2003 йили Руанда бўйича Халқаро трибунал, ЮНЕСКОнинг Ижроия кенгаши ва Жаҳон мероси қўмитаси, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашига бўлган сайловларда Туркияни ёқлади. Туркия Халқаро коммуникацияни ривожлантириш бўйича дастурнинг Ҳукуматлараро кенгаши аъзолигига Ўзбекистон номзодини қўллаб-қувватлади.

Икки мамлакат ЕХҲТ, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши доирасида ҳамкорликни изчил ривожлантирмоқда. Туркиянинг Тошкентдаги элчихонасига 2002 йилнинг августидан 2004 йилнинг июлига қадар НАТОнинг Ўзбекистон билан алоқалар бўйича ваколатхонаси вазифасини бажариш топширилган.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги битимлар билан мувофиқлаштирилади. Икки мамлакат ўртасида божхона тўловлари бўйича мумкин қадар қулайлик яратиш тартиби жорий этилган. 2002 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми салкам 200 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ўн ойида бу борадаги кўрсаткич ўтган йилдаги айни даврга нисбатан 41,3 фоиз ошди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш мақсадида амалий ҳамкорлик кенгаши тузилган.

Айни пайтда умумий қиймати салкам 1 миллиард долларлик 16 лойиҳа биргаликда амалга оширилмоқда. Бу кредитларнинг ярмини Туркия Эксимбанки берган. Музокарада Режеп Эрдоган Туркия ҳукумати мазкур банкнинг Ўзбекистон лойиҳаларидаги иштирокини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаб, рағбатлантиришини таъкидлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Туркия сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 244 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида 39 турк компаниясининг ваколатхонаси рўйхатдан ўтказилган.

1995 йилдан мамлакатимизда Туркия Бош вазири котибияти ҳузуридаги Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги, Ўзбекистон ва Туркия тадбиркорлари иттифоқининг ваколатхоналари фаолият юритмоқда. Улар икки томонлама ҳамкорликнинг иқтисодий, техникавий, ижтимоий, маданий ва маърифий дастурларини амалга ошириш билан шуғулланади.

Мамлакатларимиз қишлоқ хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, фан-техника, маданият, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, сайёҳлик соҳаларида ҳам ҳамкорлик алоқаларини ривожлантирмоқда.

Ислом Каримов ва Режеп Эрдоганнинг мулоқоти икки мамлакат делегацияларининг музокарасида янада кенг кўламда давом этди. Томонлар муносабатларнинг бугунги босқичини таҳлил этар экан, ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўплигини таъкидлади. Туркия томони Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни мамнуният билан кузатиб келаётганини билдириб, жумладан, миллий валютамизнинг жорий халқаро операциялар бўйича конвертацияси йўлга қўйилгани ишбилармонлар ҳамкорлиги учун янги имкониятлар яратишини қайд этди.

Иш одамларининг бордикелдиси ва транспорт қатновини ривожлантириш учун шароитни янада яхшилаш масаласи муҳокама қилинди. Келаси йил Туркияда ҳукумат вакилларининг транспорт соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган учрашувини ўтказишга келишиб олинди.

Томонлар Афғонистондаги тикланиш ишларида қайси йўналишда ҳамкорлик қилиш ҳақида ҳам фикрлашди. Европадан Афғонистонгача бўлган транспорт коммуникацияси тармоғини ривожлантириш, хусусан, 2004 йилда Тошкентда бу масалага бағишлаб халқаро анжуман уюштириш юзасидан фикр алмашилди.

Режеп Эрдоган ҳукуматга раҳбарлик қилаётганидан буён ўтган 13 ой давомида Туркиядан салкам 60 мамлакатга расмий делегация юборилган. Лекин Туркия ҳукумат делегациясига ҳеч бир мамлакатда Ўзбекистонга келганичалик кўп ишбилармон ҳамроҳлик қилгани йўқ экан. Бу, албатта, томонларнинг ҳамкорликни ривожлантиришга кучли иштиёқи, хайрли хоҳиш-иродасидан далолатдир. Шу боис музокаралар давомида, кейин матбуот анжуманида тили, дини ва дили бир халқларимизнинг қардошлиги сўзда эмас, амалда намоён бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркия Бош вазири Режеп Эрдоган музокаралар якунлари бўйича Қўшма баёнотга имзо чекди. Икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворига халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик ва дипломатик паспорт эгалари учун визаларни бекор қилиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар ҳам қўшилди.

Журналистлар билан учрашувда томонлар кўрилган масалалар юзасидан фикр билдирар экан, Туркия Бош вазирининг ташрифи ва унинг якунларига юқори баҳо берди. Ислом Каримов учрашувлар ўзаро муносабатларни ривожлантиришга янги туртки беришига тўла асос борлигини қайд этди.

Келаси йил декабрда Туркиянинг Европа Иттифоқига қабул қилиниши билан боғлиқ масалалар кўтарилади. Ўзбекистон бу борада Туркияни қўллаб-қувватлайди. Зеро, ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири Евроосиёда улкан савдо макони яратишга ҳисса қўшиш бўлган Туркиянинг ЕИ сафидан жой олиши Европани Марказий Осиёга яқинлаштиришда муҳим омил бўлади.

Президент Ислом Каримов террорчиликка қарши кураш мавзуига тўхталиб, яқинда Истанбул шаҳрида рўй берган қўпорувчилик ҳаракатлари муносабати билан Туркия халқи ва ҳукуматига яна бир бор ҳамдардлик изҳор этди. Кутилмаган пайт ва кутилмаган жойда содир этиладиган бундай мудҳиш воқеаларнинг олдини олиш мушкул, лекин ўлимни бўйнига олган террорчига қарши кураш - ишнинг ярми, холос. Унинг миясини заҳарлаётган, қўпорувчиларни тайёрлаб, хунрезликни молиялаштираётган манбаларни йўқотмоқ зарур, деди Ўзбекистон Президенти.

Режеп Эрдоган Ўзбекистон раҳбарининг террорчиликка қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди ва Туркия бу борада мамлакатимиз билан ҳамкорликни изчил ривожлантириб бораверишини таъкидлади. Ўзбекистоннинг хавфсизлиги Туркиянинг хавфсизлигидир, деди меҳмон.

«Дўрмон»даги учрашувлар ниҳоясига етгач, Туркия Бош вазири «Интерконтинентал» меҳмонхонасида икки мамлакат ишбилармон доиралари вакилларининг анжуманида қатнашди. Режеп Эрдоган турк иш одамларининг йирик делегацияси иштирок этаётган бу тадбир кўплаб фойдали келишувлар билан якунланишига ишонч билдирди.

Юксак мартабали меҳмон Олий Мажлис раиси Эркин Халилов билан учрашди. Мулоқот чоғида парламентлараро алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Режеп Эрдоган Хотира майдонида «Мотамсаро она» ҳайкали пойига гул қўйди. Темурийлар тарихи давлат музейини томоша қилди. Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди. В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акционерлик жамияти фаолияти билан танишди.

Туркия Бош вазири 20 декабр куни кўҳна Самарқандга ташриф буюради. У ерда шаҳарнинг қадимий обидаларини кўздан кечириш, «СамКочавто» қўшма корхонасида олиб борилаётган ишлар билан танишиши кўзда тутилган.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири

ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎШМА КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида Ўзбекистон-Туркия ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди.

Уни ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг ҳамраислари -Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ганиев ҳамда Туркия давлат вазири Меҳмет Ойдин бошқарди.

Ўзаро ишонч руҳида ўтган тадбирда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун икки томонда ҳам имкониятлар етарли эканлиги таъкидланди. Мамлакатимизда туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда бунёд этилган кўплаб корхоналарнинг самарали фаолият кўрсатаётгани бунинг яққол далилидир.

2002 йили Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 190 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. Жорий йилнинг октябр ойигача эса бу кўрсаткич 2002 йилнинг шу даврига нисбатан 41,3 фоизга ўсиб, 225 миллион АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистонда Туркиянинг қирққа яқин фирма ва компанияси ваколатхоналари рўйхатга олинган. Шунингдек, мамлакатимизда туркиялик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган 244 корхона фаолият юритмоқда. Шундан эллик учтаси юз фоиз Туркия сармояси билан ташкил этилган.

Мажлисда икки мамлакат ишбилармонлари ҳамкорлигида тайёр экспортбоб товарлар, хусусан, озиқ-овқат, енгил саноат, халқ истеъмоли моллари, қурилиш материаллари, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхоналар барпо этиш катта самара бериши қайд этилди. Бунинг учун икки мамлакат иш одамлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш, жумладан, қўшма бизнес-семинарлар ва конференциялар ўтказишга келишиб олинди. Банк-молия ва туризм соҳасида ҳамкорликни фаоллаштириш билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

Ҳукуматлараро қўшма комиссия мажлиси якунлари бўйича имзоланган протоколда иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш йўлида амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар ўз аксини топди.

(ЎзА)

Биздан озод ва обод Ватан қолсин

АНДИЖОННИНГ ОМАДЛИ ЁШЛАРИ

Президентимиз Андижон вилояти аҳлига Амур Темур орденини топшириш маросимидан кейин, шаҳарсозлик ишлари билан танишиш мақсадида марказдаги тиббиёт академик лицейи биносини бориб кўрдилар.

Талабалар ила учрашув чоғида Ихтиёржон Қўлдошев билан мулоқотда бўлдилар. Унга меҳр билан, рўпарадаги жаҳон меъморчилик санъатининг андозаларига мувофиқ ҳолда тикланган пештоқларида қуёш нури чарақлаб турган осмонўпар мухташам кошонага ишора қилиб, бахтинг бор экан, ўғлим, сенга омад ёр бўлсин, дея тилак билдирдилар.

Бугун вилоятга ташриф буюрган киши Андижоннинг бутунлай янги қиёфасини кўради. Нафақат пахтачилик, ғаллачилик соҳасида, балки шаҳарсозликда ҳам «Андижон мактаби» шакланаётганлигининг гувоҳи бўлади. Марказий Осиёда ягона «Баркамол авлод» ўйинлари қароргоҳи, Олимпия заҳиралари спорт коллежи мажмуаси, «Олтин водий» теннис корти, Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғидаги амфитеатр авлодларга озод ва обод Ватан қолаётганлигидан нишонадир.

Куни кеча Андижон шаҳри шаҳарсозлигида яна бир кошона – тиббиёт академик лицей биноси қад ростлади. Юртбошимизнинг тиббиёт билимгоҳида бўлиши бежиз эмас. Юқоридаги орден топшириш мароимидаги маърузаларида Андижон мамлакатимиз тиббиёт марказларидан бирига айланиб бораётганини ифтихор билан таъкидладилар. Негаки, кейинги бир-икки йил ичида қуриб ишга туширилган талабалар шаҳарчаси ҳудудида фойдаланишга топширилган тиббиёт олийгоҳи бунга мисолдир. Шаҳар ва туманларда янгитдан қурилган 255 та қишлоқ врачлик пунктлари халқ соғлиғини сақлашда муҳим қадам бўлди. Жорий йилда ҳомийлар маблағи билан бутунлай қайта таъмирланган оналар туғруқ маркази, унинг ҳузурида ташкил этилган қишлоқлардаги оналарга тиббий хизмат кўрсатувчи кўчма сайёр амбулатория кеча-кундуз аҳоли хизматида.

Илмгоҳнинг моддий техника ўқув базаси талабаларнинг чуқур билим олиши, пировардида халқ соғлиғини сақлашнинг жонкуяр, баркамол, етук кадрлари бўлиб етишишларига хизмат қилиши тайин. Академик лицей асосан тиббиёт олийгоҳлари учун талабалар тайёрлашга ихтисослашган. Биринчи йили 200 нафар талаба, учинчи йил 600 нафар талаба билим олиши режалаштирилган. Албатта, иқтидорли ёшлар танлов билан қабул қилинади.

Ўқув ва амалиёт ишлари жаҳон андозаларига мос тиббиёт техникаси, асбоб-ускуналари воситалари билан жиҳозланган, компьютерлашган фан кабинетлари, лабораторияларда олиб борилади. Ворисларимизга профессор-ўқитувчилар сабоқ берадилар. Таълим жараёни интернетга уланган ҳолда, масофадан туриб ўқитиш технологияси йўли билан ташкил этилади. Барча сарф-харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан. Талабалар тўлақонли ижтимоий-иқтисодий ҳимояланган. 200 ўринли ётоқхона, 120 ўринли ошхона, «Тиббий ёрдам кўрсатиш» хонаси, бой китоб фондига эга кутубхона, «Маънавият маркази» талабалар хизматида.

Айниқса, спорт-соғломлаштириш ишларига ҳавасингиз келади. Чунки жисмонан ва маънан соғлом, бақувват авлод билан Ўзбекистоннинг келажаги буюк бўлади. Миллий кураш, бокс, қўл тўпи, шоҳмот-шашка, теннис, каратэ бўйича спорт тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Жамоа бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ҳам ҳаракат қиляпти.

– Бунга илмий-тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш билан эришмоқчимиз, - дейди академик лицей директори вазифасини бажарувчи А.Каримов. – Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, маҳаллий хомашёдан фойдаланишни йўлга қўйишда тадбиркорларга кўмаклашамиз. Ишлаб чиқариш ташкилотларига услубий-илмий ишланмалар тавсия қилиш ниятимиз бор.

«Андижон технологияси» бўйича чигит экишда плёнка ишлатилиши маълум. Плёнкага кетадиган хомашё гранула хоридан келтирилаяпти. Гранула хуруши мел, халқ тили билан айтганда бўр маҳсулоти чет эллик ишбилармонлардан харид қилиб олинмоқда. Ҳолбуки, мел табиий ҳарсанг тошдан олинади. Ана шундай ҳарсанг тошлар эса вилоятимиздаги Ширмонбулоқ тош конида ишлаб чиқарилмоқда. Кимёвий ишлов орқали тошдан мел олиш юзасидан сангтарошлар билан илмий ахборот алмашишни кўзлаяпмиз. Бунда плёнканинг таннархи янада арзонлашади.

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Миришкор туманидаги "Жейнов" хўжалиги қошида фаолият кўрсатаётган Швейцария технологияси асосида сутни қайта ишловчи "Жейнов" кичик корхонасида жорий йил давомида юз миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

ХОРИЖИЙ УСКУНАЛАР ХОСИЯТИ

Корхона Осиё Тараққиёт банкининг кредит йўналиши бўйича Миллий банк орқали олинган 285 минг 817 АҚШ доллари миқдоридаги кредит эвазига барпо қилинган эди. Хомашё таъминоти ва маҳсулотни сотиш яхши йўлга қўйилгани туфайли олинган кредит ва фоиз тўлиқ қопланиб, хориж ускуналари корхона мулкига айланди. Бир кеча кундузда икки тоннагача сутни қайта ишлаш қувватига эга бу корхонада ўн икки турдаги сут маҳсулотлари "Жейнов" тамғаси туширилган чиройли пакетчаларда қадоқланмоқда. Корхонанинг пишлоқ, сариёғ, қаймоқ, бринза, йогурт, творогли аралашма каби маҳсулотлари нафақат воҳада, балки республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам жуда машҳур. Ҳозирда улар Қарши, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари аҳолисига етказиб берилмоқда.

КУЧ БИРЛИКДА

Марҳамат туманидаги 28-мактабга АҚШ Тинчлик корпуси томонидан 22 минг АҚШ доллари, шунингдек Корабоев номидаги ширкат хўжалиги ва "Камолиддин-ХХI" савдо ишлаб чиқариш фирмаси тадбиркорлари томонидан 11,5 минг АҚШ доллар миқдорида беғараз молиявий ёрдам кўрсатилди.

Ажратилган маблағлар эвазига қисқа муддат ичида бинолар капитал таъмирдан чиқарилди, мактаб атрофидаги ҳудудлар обод қилинди, замонавий техникалар, мебел ва дарсликлар билан таъминланди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасида жойлашган мазкур ўқув даргоҳида 523 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

Бўз тумани Бобур номидаги ширкат хўжалигида қишлоқ врачлик пункти очилди. Бу ерда "Зиё-2002" қурилиш фирмаси жамоаси томонидан 53 миллион сўмлик қурилиш -монтаж ишлари бажарилди.

Шифо масканини қуриш, ташхислаш ва даволаш ускуналарини харид қилиш учун вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бўлими бюджетидан маблағ ажратилди.

Туман марказий шифохонасининг бош шифокори Аҳаджон Турғуновнинг таъкидлашича, бу Бўз туманида кейинги уч йилда қурилган ўн учинчи қишлоқ врачлик пункти ҳисобланади. 2004 йилда яна иккита қишлоқ врачлик пункти қурилади. - Бу билан 53 минг аҳоли яшайдиган туманимизда қишлоқ аҳолисини соғлиқни сақлаш муассасалари билан таъминлаш давлат дастури бажарилади, - деб қайд этди А. Турғунов.

"Туркистон-пресс"

«Ишонч» фош этади

ИССИҚЛИК ЎРНИГА БАҲОНА

Бу йил қиш анча қаттиқ келди. Ҳатто жанубий вилоятларимизда ҳам совуқ кучайиб, кутилганидан ҳам кўп қор ёғди. Бундай пайтда мактаб ва боғчалардаги фарзандларимизни ўйлаб қоласан киши. Масъулиятли мавсумга пухта тайёргарлик кўрилган бўлса қирчиллама кунлар, ёғингарчиликлар унча ташвишли эмас. Бироқ яна у-буни баҳона қилиб, белгиланган тадбирлар қоғозда қолдирилган бўлсачи?

Шўрчи туманидаги қатор таълим масканларида бўлганимизда мутахассислар хавотири бекорга эмаслигини яққол ҳис этдик. 31- мактабга кундузи соат ўн бирларда етиб бордик. Синфхоналар хувиллаган, ҳамроҳлар – туман халқ таълими бўлими ходимлари Каримжон Норқобилов ва Нурали Абдувоҳидовлар ҳам ҳеч нимага тушунолмай бир-бирларига қарашарди. Шу пайт мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Эргаш Алимардонов келиб қолди.

– Директор бошчилигидаги ўқитувчилар филиалимиз биносини бузиш билан овора, ҳаво ноқулай келганлиги учун ўқувчиларга жавоб бериб юборилган.

Кутилмаганда синфхоналардан бирида дарс ўтилаётганлигининг шоҳиди бўлдик. Бироқ таажжубки, эшик қулфланган, ҳар томондан елвизак уриб ётибди. Хона ниҳоятда совуқ бўлганидан бор-йўғи беш нафар ўқувчи палтоларини ечмаган ҳолда дийдираб дарс ўтишаяпти. Ўқитувчиларнинг таъкидлашларича, турли сабаблар билан аксарият синфларда дарслар ўтилмаган. Баҳона – қиш. Эшик тепасидан, тирқишлардан хонага изғирин урилади, шундай шароитда фарзандлар қулоғига дарс қандай кираётганлиги янада ажабланарли.

Мактабнинг 6 «в» ва 7 «а» синфларидамиз. Бу ерда ҳам на газ, на печка бор. Қишга тайёргарлик ишлари ўлда-жўлда қолганлиги шундоққина сезилади. Поллар эскирган, ваъда қилинган ойналар бу йил ҳам қўйилмапти. Баъзи жойларда электр симлари очиқ ҳолда ётганлиги ва бу ўқувчилар ҳаёти учун хавфли эканлиги негадир мутасаддиларни ташвишга солмаётир.

Суҳбат чоғида мактаб директори Маҳмуд Бозоров ҳам турли баҳоналарни рўкач қилишдан нарига ўтмади. Ахир, ойлар мобайнида қўл қовуштириб ўтирмай, ҳашар йўли билан ҳам кўп нарса қилиш мумкин-ку. Тўртта синф жойлашган бино ҳанузгача авария ҳолатида.

«Совжирон бобо» маҳалласидаги 30-мактабда ҳам бўлдик. Ўқувчилар сийрак. Бир синфдан беш киши, иккинчисидан эса 12 ўқувчи дарсга келмапти.

– Ҳар йили қиш яқинлашган сайин биз – ўқитувчилар ташвишга тушамиз, - дейди муаллима Гулбаҳор Нурманова. – Чунки анча вақтдан буён на газ, на печкадан дарак бор...

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ёш авлодни ўқимишли, ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш йўлида катта ишлар амалга оширилмоқда. Масаланинг моҳиятини яхши англаган раҳбару мутахассислар, саховатпеша кишилар илм масканларини замонавий тарзда жиҳозлаш, барчанинг ҳавасини келтирадиган мактаблар қуриш ишларини намунали олиб боришмоқда. Бироқ Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида эса ҳамон баҳона қилишдан нарига ўтишмаяпти.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири

ИСЛОҲОТ – ИНСОН УЧУН

Хоразм вилояти касаба уюшмалари фаолиятидан

Мустақиллик йилларида одамлар турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг оғирини енгил қилиш, фидойи меҳнатларини муносиб қадрлаш борасида Хоразм вилоятида амалга оширилган ишлар ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин. Зеро, ҳурматли Президентимиз мазкур вилоятга сафари чоғида мустақиллик кўҳна Хоразм тарихида буюк юксалиш даврини бошлаб берганлигини алоҳида эътироф этиб ўтди. Айни пайтда мураккаб табиий шароитда ўз матонатини намоён этиб, ҳаётнинг барча жабҳаларида садоқат кўрсатиб ишлаётган инсонлар шаънига илиқ гаплар айтди.

Хоразм вилоятида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, мавжуд муаммоларнинг ҳал этилиши билан боғлиқ масалаларда касаба уюшмаларининг ҳам арзигулик ҳиссаси бор.

Қуйида ана шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

БОЛАЛАР СПОРТИ

ҳар биримизнинг ишимиз

Хоразм том маънода паҳлавонлар юрти. Спортга, хусусан, болалар спортига бўлган эътибор йил сайин ортиб бормоқда. Вилоятда жаҳон талабларига тўла жавоб берадиган Олимпия захиралари коллежи қуриб ишга туширилиши барчанинг ғайратини жўш урдирди. Ана шундай ажойиб спорт инфратузилмасига эга бўлган воҳада мамлакат мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари мазкур йилда юксак савияда ўтказилганлиги болалар спорти ривожига ўзгача туртки берди. Биз бокс бўйича жаҳон биринчилиги совриндорлари А.Матниёзов, О.Бобожонов, қураш ҳамда дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионлари Р.Юсупов, Т.Юғай каби иқтидорли ёшларимиз билан фахрланамиз.

Хоразмликлар аввало ўзининг ғурури, шижоати билан ажралиб туради. Сўз бердими, уни албатта бажаришга ҳаракат қилади. Шу боис тадбирлар ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмоқда. Натижада ходимлар фарзандларини спортга жалб этиш, касаба уюшмалари ёш ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятини такомиллаштириш муҳим йўналиш бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда Урганч шаҳрида 2 та, Шовот ва Ғурлан туманларида 4 та ёш-ўсмирлар спорт мактаблари намунали фаолият юритмоқда. Уларга 2500дан ортиқ ўқувчи-ёшлар жалб этилган. Мураббийлар орасида ўз соҳасининг фидойиси, ташаббускори бўлган инсонлар кўп. Халқаро мусобақаларда эришилаётган улкан муваффақиятларда уларнинг муносиб ҳиссаси бор. Мураббийлар орасидан Раҳим Машарипов, Йўлбосар Шамуратовларни алоҳида кўрсатиб ўтмоқчимиз.

Ўтган давр мобайнида спорт моддий-техника базасини янада яхшилаш учун 26 миллион сўм сарфланди. 248 нафар разрядли спортчилар тайёрланди. Беш нафари эса «Спорт устаси» даражасини олишга эришди.

Табиийки, ҳали ишимизда қатор камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор. Олис қишлоқлардаги стадионлар, машғулот залларининг ҳаммаси ҳам талабга жавоб бермайди. Янги 2004 йилда жисмоний тарбия ва спортни янги поғонага кўтариш учун янги куч ва ғайрат билан ҳаракат қиламиз.

Комилжон ИБРАГИМОВ,
вилоят касаба уюшмалари Жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси



МАҲАЛЛА ПАСПОРТИ

Ҳар бир инсон аввало маҳаллада камол топади. Яхши-ёмон кунимиз шу ердаги одамлар билан ўтади. Шу боис ўзини билган, ғурурли ва маданиятли инсон туғилиб ўсган масканни ободонлаштириш, хайрли тадбирларни амалга ошириш, тинч-осуда ҳаётни таъминлаш ишига баҳоли-қудрат ҳисса қўшади. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллари билан алоқани тобора мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Шаҳар ва туманлардаги ҳар бир маҳалланинг паспорти тузилиб, аҳоли пунктларини ичимлик суви, табиий газ билан тўла таъминлаш, болалар спорт майдончаларини бунёд этиш ҳамда жиҳозлаш юзасидан муайян ютуқларга эришилди.

Яқинда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими ташаббуси билан «Хива гилами», «Урганч-эксковатор» ҳиссадорлик жамиятлари, «Хива-Карпет» ва бошқа қатор корхоналарда мулоқотлар ўтказилди. Унда кишиларнинг орзу-интилишлари, таклиф-мулоҳазалари билан яқиндан танишдик. Шундан кейин ҳуқуқий саводхонликни янада яхшилашга қаратилган ишларга қўл урилди.



Вилоят прокуратураси ходимлари билан иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш борасида кўпгина ижобий натижаларга эришилмоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида касаба уюшмалари томонидан иш берувчиларга 139 та, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига 35 та, прокуратура органларига эса 9 та билдиришнома тақдим этилди. Судларга киритилган даъво аризалари туфайли ишловчиларга катта миқдордаги меҳнат ҳақи ундириб берилди. Белгиланган дастурларимизда бола тарбияси билан машғул бўлган кўп болали оналарга меҳрибонлик кўрсатиш алоҳида банд сифатида киритилган. Бу борада маблағ аялмаяпти. Шу ўринда бир мисол. Иш берувчилар томонидан ходимларнинг соғлиғига етказилган зарарни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари юз бераётганлиги ҳақидаги мурожаатлар келиб тушди. Мутахассислар иштирокида уларни атрофлича кўриб чиқиб, муаммони ҳал этишга қатъий киришдик. Натижада 10 миллион сўмдан зиёд маблағ эгаларига қайтарилди.

Эл-юрт манфаатини ўйлаб яшаш, муҳтожларга беғараз ёрдам кўрсатиш, мурувватли бўлиш нақадар яхши. Давлатимиз раҳбари яқинда Хоразм вилоятига ташрифи чоғида бундай бағрикенг, саховатпеша инсонлар шаънига илиқ гаплар айтди. Чинданам ўз ҳисобидан замонавий мактаблар, касалхона ва гузарлар, спорт майдончалари барпо этишдек хайрли ишларга салмоқли ҳисса қўшаётган гурланлик Эриммат ва Ёриммат Содиқовлар, қўшкўпирлик Нураддин Нуриллаев, шовотлик Бозорбой Раҳмоновлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бундай инсонлар ҳаёти, ажойиб фазилати барчамизни эзгу ишларга чорлаб туради.

Одамбой БОЛТАЕВ,
вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси ўринбосари

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

Бозор шароитининг ўзига хос муаммоли жиҳатлари бор. Шу боис ҳар бир соҳада фаолият юритаётган етакчилар чуқур билим, тажриба ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши керак. Давр имиллашни кечирмайди. Буни яхши англаган тармоқ касаба уюшма қўмитаси аъзолари замон талабига ҳамоҳанг равишда ишлашга ҳаракат қилишмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятига Жалолиддин Мангуберди орденини топшириш маросимидаги нутқи барчамизга куч, илҳом бағишлади. Фаолиятимизни қайта назардан ўтказиб, камчиликларни тугатиш, муаммоларни тезрок ҳал этиш юзасидан тадбирлар белгилашга ундади.

ЎЗ ИШИГА ТИКЛАНИШДИ

Республика Президенти, ҳукуматининг яқиндан бераётган кўмаги шарофати ила бизнинг соҳамизда ҳам туб иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаяпти. Масалан, кейинги йилларда воҳада 20 та янги мактаб барпо этилди, 168 таси тубдан таъмирланди. Қувончлиси шуки, 35 та касб-ҳунар коллежи барпо этилиб, уларнинг умумий сони 56 тага етказилганлиги йигит ва қизларимизни беҳад қувонтирди. Таълим-тарбия ишларининг жонланганлиги, соҳа мутасаддиларининг жонбозлигини яна шундан ҳам кўрса бўладики, ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида қарийб 11 минг хоразмлик йигит-қиз таълим олаётир.

Хайрли ишлардан касаба уюшмалари ҳам четда қолаётгани йўқ. Аввало, мустаҳкам ижтимоий ҳимояга эътибор кучайтирилган. 247 та бошланғич ташкилотга уюшган 89207 нафар касаба уюшма аъзосига жойларда тузилган жамоа шартномалари ва битимлар орқали меҳрибонлик кўрсатиб келинмоқда. Айниқса, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш, иш ҳақи ва нафақаларни вақтида тўланишига эришиш алоҳида диққат марказда. Вазирлар Маҳкамасининг иш ҳақи ўз вақтида тўланишига оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори фаолият мезонига айланган.

Вилоят касаба уюшма қўмитаси таълим-тарбия муассасаларида ишлаётган ходимларнинг ҳақиқий суянчиғига айланиш мақсадида аниқ тадбирларни амалга оширмоқда. Масалан, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, қаровчиси бўлмаган қарияларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида катта миқдорда маблағ ажратилди. Ногирон фарзандлар учун махсус байрам тадбирлари ўтказилди. Уларга ҳомийлар, хусусан, «Прогма» корпорациясининг совғалари топширилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида меҳнаткашлардан тушган 50 та ариза ва шикоят кўриб чиқилиб, деярли барчаси ижобий ҳал этилди. Ишдан ноқонуний бўшатилган 15 нафар фуқаро вазифасига қайта тикланди. Ходимлардан 270 нафари республикамизнинг энг яхши соғломлаштириш масканларида саломатликларини тикладилар. Таъкидлаш жоиз, республика ҳукумати ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг саъй-ҳаракати билан ёз фаслида 300 нафарга яқин тармоқ ходимларининг фарзандлари Тошкент вилоятида дам олдилар.

Болалар спортини ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиш ниятидамиз. Шу мақсадда ходимлар ўртасида турли спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Жойларда соғломлаштириш гуруҳлари, спорт тўгараклари ташкил қилинди. 2004 йил Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши муносабати билан кўп миллатли кишилар ўртасида ҳамкору ҳамжиҳатликни, қадрдонликни янада мустаҳкамлаш юзасидан яхши тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Муяссар РАҲИМОВА,
вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси

ФУҚАРО МУРОЖААТИ

унга ўта масъулият билан ёндошиш ҳам қарз, ҳам фарз

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вилоятдаги вакили ҳузурига турли соҳа кишилари маслаҳат ёки ёрдам сўраб келиб турадилар. Уларнинг дил сўзлари, муаммолари мутахассислар томонидан эътибор билан тингланиб, муш-кулларини осон этиш учун биргаликда ҳаракат қилинади. Кўпгина мурожаатлар одамларнинг соғлиқ-саломатлиги, иш берувчилар томонидан етказилган моддий зарарни ундириш ёки адолатни тиклаш хусусидадир. Табиийки, адолатни юзага чиқариш учун қатъий туриб курашиш лозим. Вилоят Кенгаши мутахассисларининг ва албатта минтақавий вакил қатъиятлиги билан инсон омили билан боғлиқ қатор масалалар фуқаролик судларида кўриб чиқилди. Иш берувчилардан меҳнаткашлар фойдасига бир ярим миллион сўмдан ортиқ маблағ ундирилди.

Баъзи раҳбарларнинг амалдаги қонунларимизни яхши билсалар-да, айрим ўринларда унга бўйсунмаётганликлари, ўзи билганларича иш юритаётгани оқибатида қонунбузилиш ҳолатлари содир этилмоқда. Сакиз ходим фуқаролик суди орқали ўз вазифасига қайта тиклангани ҳам кўп нарсани англатиб турибди.

Ю.ОЧИЛДИЕВ,
«Ишонч» мухбири



Бозор ва омилкорлик

ПАХТАМИЗ, ЎЗ МАҲСУЛОТИМИЗ

ҳисобига валюта маблағи олиб келиш купайяпти

Президент Ислом Каримов Хоразм вилоятига қилган сафари чоғида воҳа меҳнаткашларининг ислоҳотларни жадаллаштиришда фаол иштирок этаётганлигини алоҳида таъкидлаб, қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтани қайта ишлаш корхоналари ҳақида: «...Ўзимизда етиштирилган пахта ҳосилини қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш ва шунинг ҳисобидан мамлакатимизга кўпроқ валюта маблағлари олиб келиш борасида ҳам вилоятда диққатга сазовор ишлар қилинмоқда» дея эътироф этди.

Тармоқ меҳнаткашлари билан бу ҳақда суҳбатлашсангиз, улар аввало истиқлол туфайли ўз маҳсулотимизга, ўз мулкимизга эга бўлганлигимизни айтишади. Дарвоқе, агар тарихга бир назар солинса – бу янада яққолроқ кўринади. Масалан, 1910 йилларда Хоразм воҳасида 42 та шахсий пахта тозалаш заводлари мавжуд бўлиб, кейинчалик улар ихчамлаштирилган ва собиқ тизим давридан токи мустақилликкача фақат кўрсатма, топшириқ асосида иш юритган. Яқин-яқинларгача ўз муддатини қачонлардир ўтаб бўлган дастгоҳлар ишлатилиб, асосий хомашё ташиб кетилган. Дастгоҳларнинг эскилиги туфайли сарф-харажатлар беш-ўн ҳиссага ортиб кетган бўлса-да, бироқ маҳсулотни бу ердан олиб кетувчилар бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган. Етказилган зиён ва харажатлар юртимиз ҳисобидан мажбурий қоплатилган.

Ўтган ўн икки йил оралиғида вилоятдаги ҳудудий акционерлик «Пахтасаноат» бирлашмаси биринчи галда эскирган дастгоҳлар ўрнига замонавий ва жаҳон талабларига жавоб бера оладиган янги технологияни тизимга олиб кириш ҳамда ишчиларга меҳнат шароитларини яратишни бош мақсад қилиб олди.

Чунончи, вилоятда қуввати энг катта ҳисобланган Ғурлан, Урганч, Қўшкўпир, Хива, Хонқа, Янгибозор ва Боғот туманларидаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятларида ишлаб чиқаришга янги, унумдор технологиялар олиб кирилди. Айтайлик, ана шу корхоналар илгари момиқ ажратиш оқимларида 75 квт қувватли электр двигателларидан фойдаланиб келган бўлса, эндиликда улар ўрнини ихчам ва камсарфли винтеляторлар эгаллади. Шунингдек, пахтани сифатли қилиб тозалайдиган «УХК» русумли дастгоҳлар қурилиб, ишга туширилди. Яна бир асосий гап: шу пайтгача мажбурий фойдаланиб келинган, паст унумли ва ёқилғини кўп сарфлайдиган «Универсал-6» русумли қозонлар ҳам ишлаб чиқаришдан олиб ташланиб, унинг ўрнига ишлаб чиқаришга мос, ихчам ва юқори унумли моторсиз қозонлар ўрнатилди.

Ҳудудий акционерлик жамияти тасарруфидаги корхоналарда қилинаётган ишлардан айрим мисолларни келтиришимизнинг боиси бор, албатта. Ваҳоланки, бу корхоналар узоқ йиллардан буён фаолият кўрсатиб келишига қарамай, мустақиллик йилларигача на ишлаб чиқаришда унумдорлик бўлди, на бу ерда меҳнат қилаётган ишчи манфаат кўрди. Сабаби аён: ортиқча сарф-харажатлар ўз-ўзини қоплашга, ўзини ўзи моддий таъминлашни йўлга қўйишга имкон бермасди.

Ҳозир эса, аҳвол тубдан ўзгароқ электр энергия тежалмоқда. Ёки заводлар цехларида ҳар сменада 45-53 киши эски дастгоҳларда, оғир шароитда меҳнат қиларди. Янги ускуналар ўрнатилгач, 30-32 ишчи кучи сарфланаяпти. Шунингдек, иш қуввати ҳам 60-67 ўрнига 85-90 фоизга кўтарилди.

Энг муҳими, корхоналардаги самарадорлиги ортди, вилоят миқёсида олиб кўрадиган бўлсак, хайрли тадбирлар натижасида жорий йилнинг тўққиз ойида 500 минг квт соат электр қуввати ва 50 минг куб табиий газни тежаб қолишга эришилди. Барча ишлар билан тўққиз ойлик натижалар сарҳисоб қилинганда 450 миллион сўм соф даромад жамоа хазинасини янада бойитишдан бу ердаги ишчилар манфаатдор.

Бозор иқтисоди шароити қайси соҳада бўлмасин ишлаб чиқаришда тадбиркорлик қилишни, ишбилармонлик асосида фаолият кўрсатиб, ўзини ўзи моддий таъминлашни тақозо қилаяпти. Шу маънода ҳар йилги фойдадан биринчи галда корхоналарни янгилашга аҳамият қаратилаётган бўлса, ишчи ўринлари барпо этиш, ишчиларни моддий ва маънавий қўллаш, санаторий-профилакторийларда дам олдириш каби масалалар доимо диққат-эътиборда.

Биргина Хива туманидаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида кейинги йиллар оралиғида техник пахта ишлаб чиқариш цехи, шаҳар ва туман аҳолисига хизмат кўрсатадиган пахта титиш цехи, хўжалик ва қурилиш корхоналари учун қўлқоп, ишчи коржомаси ишлаб чиқариш кичик корхоналари қуриб фойдаланишга топширилди ва эндиликда ана шу жойларда 80 нафар ёшлар ишли бўлди.

Корхона жамоаси 2 та мактаб, 2 та маҳаллага оталиқ қилишдан ташқари, Президентимизнинг спортни ривожлантиришга йўғрилган Фармонлари асосида замон талабига мос равишдаги спорт иншоотини бунёд этди. Айни пайтда ишчилар бўш вақтларида бу ерда спортнинг беш йўналиши бўйича шуғулланишади. Шунингдек, шаҳар ва ён-атрофдаги маҳаллалардан 300 нафар ўсмирлар бокс ва каратэдан сабоқ олиб, республика мусобақаларида фаол иштирок этишмоқда.

Ишчига етарлича шарт-шароит яратиб бериш, уларни қилган меҳнатига яраша тақдирлаш ва ёшларни фойдали ишларга жалб этиш борасида Гурлан, Боғот, Урганч каби пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятларида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар Хива туманидаги корхонадан-да кам эмас. Ана шу корхоналарда ҳам янги ишчи ўринлар барпо этилгани ва ёшлар мутахассисликларга йўналтирилиб, қайта ихтисослаштирилгани сабабли 120 нафар киши турли йўналишлар бўйича меҳнат қилиб, ўз келажагини шу корхоналар билан боғлаган.

Ўтиш даврининг айрим инжиқликлари ва муаммоларига қарамай акционерлик бирлашмаси шу йилнинг ўзида 180 та янги иш ўрни барпо этди. Корхоналарда меҳнат қилаётган ишчиларнинг эътироф этишларича, ҳар ойда ўртача 55-60 минг сўмдан маош олишлари қаторида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – ун, гуруч, ёғ ва гўшт сингари зарур маҳсулотлар ҳам қўшимча тарзда тарқатилмоқда. Энг муҳими, бу маҳсулотларнинг барчаси корхоналар тасарруфидаги ёрдамчи хўжаликларда етиштирилаётир.

Бирлашма касаба уюшмаси раиси Рўзимбой Самандаровнинг қайд этишича, жорий йилда ишчилардан 135 нафари вилоятдаги ва республикамиздаги санаторий-профилакторийларда касаба уюшма ҳисобидан дам олиб, соғлиқларини тиклаб қайтишган. Жамоа шартномаси ҳамда Меҳнат қонунларида белгиланган бандларга асосан ишчилар ижтимоий муҳофазага олинган. Илғор ишчилар доимий равишда тақдирланиб борилади, байрам ва тадбирларда пул, қимматбаҳо совғалар берилади. Бундан ташқари ёз ва баҳор ойларида алоҳида автобуслар ташкил этилиб, касаба уюшма ҳисобидан ишчилар Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларни зиёрат қилиб келишмоқда. – Жамоа шартномасида белгиланган тадбирлар асосида бирлашма таркибидаги корхоналар ҳамкорлигида иш кўрилаётгани меҳнат унумдорлигининг ошишидаги омиллардан бири бўлаяпти, – деди у.

Вилоят акционерлик бирлашмаси ўз тасарруфидаги корхоналарда янги технологияларни жорий этиб, кам бўлмаяпти. Бир пайтлар хомашёни тайёрлаб беришдан нарига ўтолмаган соҳа яловбардорлари кун сайин жаҳонга юз тутмоқда. Швейцария, Белгия, Жанубий Корея, Англия, Австрия каби ўнлаб давлатлар ўзаро манфаатли шартномалар асосида Хоразм пахтакорлари етиштирган хомашёни жон-жон деб сотиб олмоқдалар.

Бирлашма корхоналари ҳақида қанча кўп ёзилса озлик қилади. Лекин бир нарса аниқ: ҳукуматимизнинг соҳани ривожлантиришга қаратилган бир қатор қонунлари ва қишлоқларда саноат корхоналарини олиб киришга йўналтирилган дастурлар тармоқда ислоҳотлар жараёнини жадаллаштиришнинг асосий омили бўлди.

Соҳани ривожлантириб, ишчиларни моддий қўллаш қаторида бу ерда анча-мунча хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, «Умид ниҳоллари», «Маҳалла», «Нуроний», «Тўмарис» каби жамғармалар кўрсатилаётган ёрдам учун бирлашмага миннатдорчилик билдиришмоқда. Шунингдек, шу тизим корхоналари 26 та мактаб, 35 та болалар боғчасини ўз оталиғига олган. Яқинда эса бирлашма яна бир хайрли ишга бош-қош бўлди, яъни кам таъминланган ва қарамоғида ҳеч кими йўқ 17 нафар боланинг суннат тўйини ўтказиб, уларнинг ҳар бири учун банкда ҳисоб рақами очди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

ҚАЛБ ЁЛҚИНИ

«Олтин соҳил» ширкат хўжалиги Хонқа туманида илғорлар қаторида фаолият юритиб келмоқда. Айни пайтда жамоада 1440 нафар аъзо меҳнат қилиб келади. Жорий йил меҳнаткашларнинг маданий дам олиб ҳордиқ чиқаришлари ва оммавий тадбирлар учун 4 миллион сўм сарфланди. Ишчи-ходимлар меҳнат муҳофазасига катта эътибор қаратилган. Биргина махсус кийимбош учун эса 916 минг сўм ажратилди. Хўжалик ҳисобидан бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Ишчиларнинг келиб-кетишлари учун махсус транспорт йўлга қўйилди. Шу билан бирга уларга 526 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Меҳнаткашлардан 37 нафари Хонқа, Чинобод, Чортоқ сиҳатгоҳларида даволаниб, саломатликларини тиклаб қайтишди. Ушбу тадбир учун 1 миллион 170 минг сўм сарфланди. Уларнинг 77 фарзандлари эса турли оромгоҳларда дам олдирилди.

Аҳмаджон Қурамбоев,
хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси

ЗАҲИРАДАГИ ХИЗМАТ

ҳар бир фуқародан катта масъулият талаб қилади

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини бажариш юзасидан Самарқанд вилоятида бир қанча ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мудофаа ишлари бўлимлари томонидан шу йилнинг апрелмай ойларида 15700 нафар фуқаро захирадаги хизматга сафарбар қилинди. Улар билан тузилган шартномаларга мувофиқ сафарбарлик резервидаги хизмат учун 525 миллион 873 минг 349 сўм тўланиши режалаштирилган бўлиб, амалда бу кўрсаткич 545 миллион 158 минг 830 сўмни ташкил этди.

Таъкидлаш ўринлики, ҳукумат қарорларининг бажарилишини таъминлашда вилоят прокуратураси ходимлари томонидан олиб борилаётган тарғибот-тушунтириш ишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Ўтган давр мобайнида фуқаролар иштирокида икки юзга яқин мулоқот-учрашувлар, оммавий ахборот воситаларида йигирмага яқин чиқишлар қилинди.

Ҳарбий хизматга чақирув даврида вилоят прокуратураси ва ички ишлар идоралари томонидан чақирув комиссияларига катта амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, ҳамкорликда олиб борилган саъй-ҳаракатлар туфайли баҳорги ва кузги чақирув мавсумида муқим яшаш жойларини узоқ муддатга ташлаб кетган 515 нафар фуқаро чақириб олинди.

Шу билан бирга заҳирадаги хизматни ташкил этиш борасида туман ҳокимликлари, ташкилот ва муассасаларнинг мутасадди ходимлари айрим ҳолларда масъулиятсизликка йўл қўйишмоқда. Масалан, баҳорги мавсумида Қўшработ туман ҳокимлиги томонидан ишни ташкил қилиш учун автотранспорт воситалари ажратилмаганлиги, тиббий комиссия зарур ускуналар, дори-дармон билан таъминланмаганлиги аниқланди. Пахтачи туманида эса тиббий комиссия раиси Х.Ражабов, шифокорлар И.Каримов, О.Мўминовлар сабабсиз ишга келмаганлиги оқибатида 35 нафар чақирилувчи кўрикдан ўтказилмай қолган. Нуробод туманида эса тиббий комиссия зарур ускуналарга эга бўлмагани оқибатида чақирилувчилар бир нечта текширувдан ўтиш учун туман марказий шифохонасига юборилган ва бунда юзаки текширувларга йўл қўйилган.

Қонун барчага баробар. Афсуски, Каттақўрғон шаҳар мудофаа ишлари бўлими ходимлари буни унутишган кўринади. Акс ҳолда, заҳира хизматига сафарбар қилинаётган фуқаролар билан шартномалар тузишда қонунбузилишга йўл қўйилмас эди. Мудофаа ишлари бўлими сафарбарлик резервидаги хизмат бўлинмаси бошлиғи Ш.Матназаров ва бош ҳисобчи Т.Тўхтаевнинг муҳим ишга ўта масъулиятсизлик билан ёндошуви оқибатида 259 та шартнома бўйича 17,6 миллион сўм ундирилмай қолинган. Шунингдек, Самарқанд туманида ҳам 10 та шартнома бажарилмаган. Прокуратура идораларининг аралашуви билан тегишли тўловлар амалга оширилди. Умуман, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида 34 та тақдимнома киритилди, 39 нафар фуқаро интизомий, 14 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Шартномалар бўйича тўловларни амалга оширишни таъминлаш юзасидан судларга 15 та даъво аризаси киритилди.

Б.БАҲРОНОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими катта прокурори, адлия маслаҳатчиси

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

Оила — муқаддас даргоҳ. Унинг мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан хонадон соҳибу соҳибаларига боғлиқ. Зеро, оила ота-она зиммасига катта масъулият юклайди. Шунга қарамай, айрим ҳолларда ота ёки она айби билан оилада ҳар хил зиддиятлар, келишмовчиликлар келиб чиқади. Афсуслианарлиси, бундай низолар оқибатида гулдай оила кўргонига дарз етади, бегуноҳ фарзандлар тирик етим бўлиб қолади.

ОТА БУРЧИ

алимент тўлаш мажбурияти билан ўлчанадими?

Албатта, оилаларнинг ўзаро аҳиллиқда турмуш кечиришини таъминлашдаги муҳим таянч — бу жамоат бошқарувининг ўзига хос органи бўлган маҳаллалардир. Негаки, оилада келиб чиқадиган низоларни бартараф этишда маҳалла алоҳида ўрин тутади. Бироқ баъзи ҳолларда маҳалла аҳли, фаолларининг ҳам саъй-ҳаракатлари фойда бермай, иш судгача бориб етади. Бу борада туман фуқаролик суди томонидан кўрилган даъво аризаларини кўздан кечирадиган бўлсак, уларнинг аксари воядга етмаган фарзандлар учун тўланадиган алиментлар тўғрисида эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Азамат Раҳимов ва Муҳаббат Отажонова бундан олти йил аввал оила қуришди. Орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтиб, хонадонда чақалоқ йиғиси эшитилди. Оиланинг янги аъзосига Маъмура деб исм қўйдилар. Лекин жажжи қизалоқ ота-она меҳри тўёлмади. Ота-она «характеримиз тўғри келмади» деган сабаб билан 2001 йилнинг бошларида суд орқали ажрашишди. Энг ачинарлиси, гулдай оиласидан ажралган Азамат Раҳимов оталик меҳридан ҳам мосуво бўлди, шекилли, бор-йўғи олти ой алимент пулини тўлаб келди, холос. У бу қилмиши билан Жиноят Кодексининг 122-моддаси билан айбдор деб топилди. Ҳатто, шундан сўнг ҳам А.Раҳимов жорий йилнинг июн ойигача алимент пули тўлашдан бош товлаб келди. Охири туман ички ишлар бўлими томонидан огоҳлантирилгачгина 16 минг 326 сўм миқдоридаги алимент пулини тўлади. Айтиш жоизки, А.Раҳимов 2002 йилнинг ноябрида жиноят ишлари бўйича туман суди томонидан ЖКнинг 122-моддаси билан айбли деб топилган, унга 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланган эди. Бу гал 2 йиллик жазо муддати белгиланди.

...Нима бўлдию Комилжон ичкиликка ружу қўйди. Хотини, ҳатто икки нафар ширинданшакар фарзандини ҳам буткул унутди. Оқибатда ароқхўр эридан безиб қолган Хуршида Ҳожиева фарзандларини олиб ота-онасиникига кетиб қолди. Бироз муддат ўтгач, Хуршида фарзандлари келажагини ўйлаб турмуш ўртоғи билан яна муросага келди. Бироқ... Орадан бешйил ўтса ҳамки, К.Дўсимов фарзандлари ҳолидан хабар олмади. Шу ўринда савол туғилади. Наҳотки, ота йўлларига интизор икки нафар фарзанд Комилжон Дўсимовнинг тош юрагини илита олмаган, уни инсофга келтира олмаган бўлса?! Дарвоқе, турмуш ўртоғи билан ажрашгач, алимент тўлаяпман, демак, ота сифатида бурчимни ҳам адо этаяпман, деб фикр юритадиганлар ҳам топилади. Мулоҳаза қилиб кўрадиган бўлсак тўланаётган алиментнинг фарзанд учун отаси ёки онасининг бир оғиз ширин сўзичалик қадри йўқлигига амин бўлиш мумкин. К.Дўсимов эса фарзандлари ҳолидан хабар олиш у ёқда турсин, ҳатто қонуний тўлаши лозим бўлган алиментни тўлашдан қочиб судга ҳам келмаган оталардан бири бўлиб чиқди. Энди у бу қилмиши учун қонун олдида жавоб беради. Аммо унинг жавоби ўксик кўнгилларга малҳам бўлармикан?

Зарифбой ҚУРБОНОВ,
Шовот туман фуқаролик суди раиси

ПАҚИЛЛОҚДАН ЧИҚҚАН ЖАНЖАЛ

Неча йилдан буён аҳил-иноқ яшаб келаётган икки девордармиён қўшни пақиллоқни деб жанжаллашиб қолди. Яраширшар кетишар деган умидда уларнинг исм фамилиясини айтмай қўя қолайлик...

Гап шундаки, қўшнилардан бирининг ўғли бир бўлак колбаса ичига икки дона пақилдоқ жойлаб, қўшнининг итига ташлабди. Нима бўлганини тасаввур қилаётгандирсиз?..

Янги йил арафасида ҳамма ёқни «пақ-пақ» босиб кетишига ҳам кўникиб қолдик. Бироқ, пиротехник воситалар туфайли рўй бераётган кўнгилсизликларга бефарқ қараб бўлармикан? Мўмай даромад илинжида ҳеч нарсадан қайтмайдиган айрим «тадбиркорлар» эса ҳамон кишилар ҳаёти, хотиржамлиги ва соғлиғига путур етказиш ҳисобига пул ишлаш билан овора.

Аслида кучли шовқин чиқарувчи бундай воситаларни мамлакатимизга олиб кириш ва сотиш қатъий тақиқланган. Шунга қарамасдан, хорижда тайёрланган бундай портлагичлар жойларда бемалол сотилаётгани жуда ажабланарли.

(ЎзА)

ТАДБИРКОР

ўз фойдасига адашди

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бундан оқилона фойдаланиб, омилкорлик билан иш юритаётган, ўзини ҳам, давлатни ҳам бойитаётган уста тадбиркорлар кўплаб топилади. Бироқ, афсуски, гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, тадбиркорликни ўзига ниқоб қилиб олиб, ноқонуний бойлик орттириш илинжида бўлган кимсалар ҳам учраб турибди.



Якка тартибда фаолият кўрсатиб келаётган тадбиркор Алижон Ашуров савдо қоидаларини қўпол равишда бузиб, назорат-касса машинасидан фойдаланишни «унутди». Ўз фойдасига адашган тадбиркорга бу хатти-ҳаракати жуда қимматга тушди. Унга нисбатан 108 минг сўмлик молиявий жарима ҳамда маъмурий чора қўлланилди.

«Сурхон агро» шуъба корхонасида қисқа муддатли текширув ўтказилганда бўлим ходимлари қизиқ ҳолатга дуч келишди. Омбор мудири Тўлқин Исмоилов 48706 минг сўмлик яхна ичимлик маҳсулотларини назорат-касса машинасидан ўтказмасдан омборхонадан тўғридан-тўғри мижозларга сотиб юборган. Ўйланмай қўйилган қадам – қинғир иш сабаб энди унинг кўпчилик олдида юзи шувут.

Вазирлар Маҳкамасининг жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ходимларимиз томонидан бир қатор тезкор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра 15 та ана шундай тадбир ўтказилиб, шундан олтита ҳолат бўйича 8 нафар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. 9 та ҳолат бўйича маъмурий чоралар кўрилди. Бу тадбирлар жараёнида сохта тадбиркорлар томонидан сотилаётган 10 миллион 448 минг сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган сифатсиз маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Ш.МАМАТОВ,
Денов туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи

Адҳам Абдуҳоликов «Оқработ» ширкат хўжалиги билан шартнома тузди. 7,2 гектар ернинг 5 гектари унга тегди. Қолган 2,2 гектар ер майдонда эса Азамат Хайруллаев деҳқончилик қиладиган бўлди. Ижарачилар астойдил тер тўкишди. Натижа чакки бўлмади. Кўзланган режа ортиғи билан уддаланди.

ҲОКИМ ҚАРОРИ

ноқонуний деб топилди

Қашқадарё вилояти ва Қамаши тумани ҳокимликларининг қарори билан «Оқработ» ширкат хўжалиги фермерлар уюшмасига айлантириладиган ва 7,2 гектар ер майдони ҳам тендер танловига қўйиладиган бўлди. Тендер танловининг биринчи босқичи ўтган йилнинг 9-декабрида, иккинчи босқичи эса 26-декабрида ўтказилди. Маълум сабабларга кўра А.Абдуҳоликов ва А.Хайруллаев иккинчи босқичда қатнаша олмади. Боз устига, тендер танлови комиссия аъзоларининг таркиби низомга кўра 25 кишидан иборат бўлса-да, иккинчи босқичда атиги 14 нафар киши қатнашди. Ҳолбуки, комиссия қарори умумий аъзоларнинг ҳеч бўлмаганда учдан икки қисми иштирок этгандагина қонуний ҳисобланарди. Лекин бунга риоя қилинмади.

Танловда «Хўжаобод» фермер хўжалиги ғолиб деб топилди. Туман ҳокимлиги эса тендер танлов комиссиясининг хулосасига кўра 7,2 гектар ерни мазкур фермер хўжалигига беришга қарор қилди. Пировардида иш судгача етиб келди. Атрофлича ўрганиб чиқилганда маълум бўлдики, «Оқработ» ширкат хўжалигини фермер хўжаликлари уюшмасига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссияси тендер танловини ўтказишда қонунбузилишига йўл қўйган. Адолат қарор топди. Тендер танлов комиссияси туман ҳокимининг қарорларини ғайриқонуний деб топди.

Одил Хўжамшукуров Деҳқонобод тумани «Оққишлоқ» савдо ва деҳқон бозорида бир неча йил патта-чи вазифасида ишлаган. Бу вақт мобайнида у ўз ишини астойдил бажарган: патта пуллари ва ойлик ҳисоботларни ўз вақтида топшириб борган. Жорий йилнинг 27 апрел куни ҳам ҳисобот ва тушум пулларини топширган. Лекин негадир жамият раисидан чек ололмаган. Орадан бир қанча вақт ўтиб, аниқроғи, 13 май куни жамият раҳбарига олинмаган чекни эслатган. Раҳбар эса бозор тугатилганлиги, унинг эса ишдан бўшатилганлигини айтиб, бу тўғридаги фармойишни тутқазган. Бу билан жамият раҳбарияти қонунбузилишига йўл қўйган. Негаки, амалдаги қонунларга кўра иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда ходим олдиндан хабардор қилиниши лозим эди. Қолаверса, ишдан бўшатиш ёки ишга қабул қилиш ҳақида фармойиш эмас, балки буйруқ чиқарилади.

Буни қарангки, «ажаб савдолар» ана шундан сўнг бошланди. Тугатилди дейилган савдо ва деҳқон бозори аввалги жойидан сал нарида фаолиятини давом эттирди. Унда икки нафар паттачи патта пулини йиғаверди. Ноҳақ ишдан бўшатилган О.Хўжамқуловнинг меҳнат дафтарчаси эса жамият пўлат сандиғининг бир четида сарғайиб ётаверди. Боз устига, ҳисоб-китоб бўлими анча вақт у билан ҳисоблашишга ҳам шошилмади. Мутасаддилар эшигида навбат кутавериб сабр косаси тўлган О.Хўжамқулов адолат сўраб судга мурожаат этди. Меҳнат Кодексининг бир қатор моддалари бузилганлиги эътироф этилиб, О.Хўжамқулов ўз вазифасига қайта тикланди. Унинг мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи, шунингдек, маънавий зарар ундириб берилди.

Олимжон ТАНГМАТОВ,
Ғузор туманлараро фуқаролик суди раиси

ОЙНИ БЕНАРВОН УРГАНЛАР

Бугун бозорларимиз тўкин-сочин. Деҳқону тадбиркорга етарлича қулайлик, шарт-шароитлар яратилган. Галдаги вазифа эса маҳсулотлар сифатига тўла-тўкис кафолат берувчи муҳитни яратишдан иборат. Бунда ҳукуматимизнинг жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисдаги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритиш муҳим аҳамият касб этаётир.

Нафс ҳақалак отса, инсонни ҳар кўйга солиши турган гап. Фуқаро Одил Толибовни жин урдими, ишқилиб, мўмай даромад олиш васвасасига тушиб қолди. Бунинг учун «тадбиркорлик»ни танлади. Лекин унинг сохта тадбиркорлик фаолияти узоққа чўзилмади. Чет элда ишлаб чиқарилган ҳеч қандай ҳужжатларсиз 530 қути «Pine» сигаретасини сотишни кўзлаб, Ғиждувон бошбекатида мижоз излаб юрганида қўлга тушди. Ашёвий далил сифатида олинган тамаки маҳсулотлари мусодара қилиниб, одил судлов хулосасига кўра 40 энг кам иш ҳақи миқдорида жарима тўлайдиган бўлди.

Яна бир фуқаро Олим Назиров ҳам «ойни бенарвон ураман» деган чаққонлардан чиқиб қолди. Бироқ у адашганини жуда кеч англади. Мавжуд тартиб-қоидаларга риоя этмай, ҳужжатсиз хорижий автомобил эҳтиёт қисмларини ўзбошимчалик билан сотаётганида сири фош бўлди. Пировардида маълум миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлди. 258 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар эса давлат фойдасига мусодара этилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида қонун талабларини қўпол равишда бузган 19 нафар шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Сифати кафолатланмаган маҳсулотларни сотиш билан шуғулланган 50 га яқин фуқароларга нисбатан 700 минг сўмлик маъмурий жарима қўлланилди. Шунингдек, 85 миллион сўмлик аниқланган зарар, қўшимча ҳисобланган солиқ ва молиявий жарималар ҳам давлат бюджетига ундирилди. Текширишлар жараёнида мусодара қилинган сифатсиз товарлар салмоғи 9,9 миллион сўмни ташкил этди.

Алҳазар!

Зафар РАЖАБОВ,
Ғиждувон туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Уни Олий суд раиси Ф.Муҳитдинова бошқарди.

Пленумда гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар судларда иш юритишнинг барча босқичларида тортишув ва тарафларнинг тенглиги принципини кучайтиришга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар ижобий натижа бераётганлигини таъкидлади. Бинобарин, гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни суд амалиётида тўғри қўлланилишига Олий суд томонидан мунтазам эътибор қаратиб келинмоқда.

Шу билан бирга пленум ишида меҳнат вазифаларини бажариш муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашга оид низолар бўйича суд амалиёти ҳамда фуқаролик процессуал қонунчилигининг айрим нормаларини судлар томонидан қўлланилиши масалалари ҳам муҳокама этилди.

Кўрилган масалалар юзасидан қонунларни тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлашга қаратилган тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров иштирок этди.

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИГА БАҒИШЛАНДИ

«Маҳалла» жамғармасининг Қорақалпоғистон бўлими ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган семинар ўтказди.

Унда маҳаллаларни янада ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, ёшлар қалбида табиатга муҳаббат уйғотиш борасида ҳамкорликда амалга оширилажак ишлар ҳақида сўз юритилди.

(ЎзА)

Шарҳловчи минбари

МЕТАЛЛ ҚИММАТЛАШМОҚДА

Жаҳон биржаларида кутилмаган вазият юзага келди. Саддам Ҳусайн ҳибсга олиниши ҳақидаги хабар биржалардаги савдога ижобий таъсир кўрсата бошлаган эди. Бироқ сўнгги икки кун ичида бунинг мутлақо акси кузатилмоқда.

Ўзгаришлар жаҳон бозорида металл нархининг кескин кўтарилиши билан бошланди. Лондон биржасида бир тонна никел баҳоси 14295 АҚШ долларига тенг эди. Охирги савдода эса унинг нархи 795 доллар кўтарилди. Мутахассисларнинг фикрича, сўнгги ўн тўрт йил ичида никел бу даражада қимматлашмаган.

Бир тонна миснинг нархи эса 2207 АҚШ долларига баҳоланмоқда. Бу ҳам сўнгги олти йил ичидаги энг қиммат кўрсаткичдир. Қалай ундан ҳам қиммат, тоннаси - 6 минг доллар.

Европа биржаларида олтин баҳоси ҳам ошиб, унцияси 407,95 долларга тенглашди.

Икки кун аввал нефт арзонлашган эди. Энди Европада «қора олтин» яна қимматлашди. Лондон халқаро нефт бозорида «қора олтин» нархи 16 центга кўтарилиб, 30,13 долларга тенглашиб қолди.

Металл нархи шиддат билан ўзгариб бораётгани қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосига салбий таъсир кўрсатмоқда. Евронинг долларга нисбатан қимматлашуви оқибатида эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти камайиб кетди. Масалан, Россия Европа Иттифоқи мамлакатларидан чўчқа гўштини умуман харид қилмай қўйди. Оқибатда Европа мамлакатларида, хусусан, Франция ички бозорида гўштнинг улгуржи нархи анча тушиб кетди.

(ЎзА)



Кибрай туманидаги Чинобод ўзини ўзи бошқариш йиғинига қарашли "Ўткир" маҳалласида 3850 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада сартарошхона, пойафзал таъмирлаш, тикувчилик цехи, дўконлар ҳамда бошқа муассасалар, новвойхона мавжуд. «Отабек магазини», «Зокиров Ўткир» фермер хўжалигига тегишли хусусий дўконлар ҳисобидан ногирон ва кам таъминланган оилаларга меҳр-мурувват кўрсатилди.

Суратда: (ўртада) Маҳалла оқсоқоли Вазира Норматова фуқаролар билан суҳбатлашмоқда.

Ғулом ХИДИРОВ олган сурат

ЯККАБОҒДА ИНТЕРНЕТ

"Ўзбекистон мактабларида Интернет" дастурининг техник мутахассислари вилоятдаги олтита таълим муассасасига компьютерларни ўрнатди. Шундай таълим муассасаларидан бири Яккабоғ туманидаги бешинчи ихтисослаштирилган мактаб интернатидир.Танловда бу мактаб жамоаси вилоятда энг юқори балл тўплаган. Бунга мактаб раҳбарининг ташкилотчилиги, ташаббускорлиги мактаб багрида билимдон мураббийларни жамлай олганлиги боис эришилди.


- Интернет ўрнатиш ниятида юрган мактаб раҳбарлари кўп, - деди мактаб директори Шарофат Саидова "Туркистон-пресс" мухбирига. -Аммо, зукко ва билимдон АҚШ мутахассисларининг синовидан ўтиш осон кечмади. Биз иккита ютуқни қўлга киритдик. Натижада, АҚШнинг «IREX» ташкилоти томонидан мактабимизга энг сўнгги русумдаги компьютерлар ўрнатилди ва бепул интернет тармоғига уланди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ

Ўзбекистон халқини, тармоқ касаба уюшмалари аъзоларини яқинлашиб келаётган 2004 йил билан муборакбод этади

Хонадонингиздан севинч ва тотувлик аримасин!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ



Катта умидлар билан кутиб олинаётган Янги йил юксалиш, қут-барака йили бўлсин. Оллоҳ назари тушган муборак замин, фидокор халқимиз осуда ҳаёт кечирсин

ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ ВА ЖАМОАТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ



ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ



Яқинлашиб келаётган 2004 йил билан самимий қутлайди, муборакбод этади

Янги йил тинчлик-хотиржамлик, қут-барака йили бўлсин!





ФУТБОЛ-ТЕСТ

1.2002 йил жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида Ўзбекистон терма жамоасини бошқарган мураббий?
A)Иштван Секеч
B)Биродар Абдураимов
C)Владимир Сальков
D)Баҳром Ҳакимов

2.ФИФА рейтингига кўра биринчи ўринда бораётган терма жамоа?
A)Франция
B)Испания
C)Бразилия
D)Германия

3.Осиё футбол Конфедерацияси аъзоси бўлган ўзбекистонлик мутахассис?
A)Ахбор Имомхўжаев
B)Темур Низаев
C)Ислом Аҳмедов
D)Рустам Акромов

4.Ўзбекистон терма жамоаси билан ўртоқлик ўйини ўтказган Болтиқбўйи мамлакати?
A)Эстония
B)Латвия
C)Литва
D)Финляндия

5.Курбон Бадалини танийсизми? У ўйнаган жамоа?
A)«Спартак»
B)«Пахтакор»
C)«Нефтчи»
D)«Мускоманда»

6.УЕФАнинг ҳозирги президенти ким?
A)Леннарт Йоханссон
B)Франц Беккэнбауэр
C)Исса Хайату
D)Зепп Блаттер

7.Бошини яланг қилиб юрадиган италиялик машҳур ҳакам?
A)Нильсен Мильтон
B)Пьерлуиджи Коллина
C)Грехэм Полл
D)Маркус Мерк

8.Ирландия терма жамоаси таркибида 100 марта майдонга тушган жамоа сардори?
A)Стив Стоунтон
B)Робби Кин
C)Рой Кин
D)Гивен

9.Тўртта жаҳон чемпионатида иштирок этган италиялик машҳур футболчи?
A)Роберто Баджо
B)Паоло Мальдини
C)Жанлуиджи Буффон
D)Дель Пьеро

10.Дунёга машҳур «Реал» футбол жамоаси сардори?
A)Луиш Фигу
B)Зайниддин Зидан
C)Икарь Касьиляс
D)Рауль

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури - амалда

ҲАЁТ САНЪАТ БИЛАН ЗАВҚЛИ

Қарши шаҳрининг «Ўзбекистон» кўчаси бўйлаб борар эканмиз, ўнг томондаги салобатли бино диққатимизни тортди. Беихтиёр йўлимизни шу томонга бурдик. Мусиқанинг ёқимли оҳанги эшитилди. Маълум бўлишича, «Ўзбекистон - умумий уйимиз» шиори остида вилоятда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг санъат фестивали ўтаётган экан.

Залда тўпланганлар рус, корейс, татар, араб тилларида янграган куй-қўшиқларни мириқиб тинглашди. Улар турли миллатга мансуб бўлсалар-да, жонажон Ўзбекистонимиз мадҳини куйлардилар.

Дарвоқе, Қарши санъат коллежида бундай тадбирлар ўтказиш анъанага айланган. Айни пайтда 450 нафарга яқин талабани ўз бағрига олган илм даргоҳида санъатнинг 11 йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

- Қайта таъмирдан сўнг коллежимизда талабаларнинг ҳар томонлама чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди, - дейди коллеж касаба уюшма қўмитаси раиси Қаҳрамон Ғоппоров.

Бугунги кунда илм масканида таълим олаётган ёшлар турли тадбирларда иштирок этиб, вилоят шарафини ҳимоя қилмоқдалар. Шоҳзамон Зоҳиров республика ёш ижрочилар кўрик-танловида 3-ўрин соҳиби бўлди.

Коллежда ўқувчи-ёшлар аниқ дастурлар асосида ўқиб-ўрганишлари учун кенг, ёруғ синфхоналар ва кутубхона мавжуд. «Маънавият ва маърифат» хонасида турли саналарга бағишланган тадбирлар ўтказиб турилади. Шунингдек, касб-ҳунар бошқармаси тизимида таълим олаётган талабалар шу йил декабр ойида ўтказилаётган фан олимпиадаларига катта тайёргарлик кўраяптилар. Вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси томонидан уюштирилаётган санъаткорлар билан учрашувлар ҳам ёшларнинг соҳага янада яқинроқ киришишларига имкон бермоқда. Илм масканида таълим олиб, бугунги кунда санъатлари билан элга хизмат қилаётган Салимжон Саимов, Эгамберди Турсунов, Кенжа Эгамбердиев, Умрзоқ Қувватов, Салоҳиддин Лутфиллаевлар номини халқимиз чуқур ҳурмат билан тилга олади.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири



ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ҚИШЛОҚҚА ШАҲАР ЧИРОЙИ

Наманган тумани маркази тобора шаҳар тусини олиб бормоқда. Бу ерда кун сайин маданий-маиший ва жамоат бинолари, турар жойлар қад кўтармоқда. Яқинда яна бир муҳташам иншоот қад ростлади. Иморатсозликнинг энг янги ютуқларини ўзида мужассам этган янги коллеж биноси фойдаланишга топширилди.

Ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида ёшларга бир неча йўналиш бўйича касб-ҳунар сирлари ўргатилади. 560 миллион сўм маблағ ҳисобига қад ростлаган ушбу энг замонавий бинони «Наманган жамоасаноатқурилиш» ассосиацияси қурувчилари бунёд этдилар.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Тафаккур гулшани

Бошимга бир савдо тушди-ю, раҳматли отамнинг ўз тиловатларида: «Ноҳақ туҳмат, бемаҳал ўлимдан ўзинг асрагин» дея қиладиган илтижолари қулоғим остида жаранглаб кетди. Ҳамиша шундай: «Саломатлик қадрига етмас – бемор бўлмагунча» деганларидек, ҳом сут эмган нотавон бандалар бошимизга бирор кулфат тушмагунча ёки пешонамиз бирор ерга «так» этиб урилмагунча сўзнинг ҳам, насиҳат ва дуонинг ҳам қадрига етмаймиз.

«СЕНГА ТУҲМАТ ҚИЛСАЛАР АГАР...»

Деярли ҳар куни рўбарў бўладиган ошиноларимиз панд бериб, бошимиз маломатларга қолганидан кейингина беғубор ўтган кунларимиз, беиғво кечган онларимиз тўтиё бўлиб кўрина бошлайди кўзимизга, фақат шундан кейингина тилимиздаги «туҳмат», «бўҳтон» деган сўзларнинг маъноларини, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини қидириб қоламиз, фақат шундан кейингина китоб токчамизда жимгина турадиган «Тафаккур ғулшани»нинг шу кунгача очилмаган саҳифаларини очамиз ва илгари эътиборимизни тортмаган ҳикматлар дардимизга малҳамдек ёқа бошлайди. «Калтафаҳмлар фақат одамларнинг камчилигини кўрадилар-у, фазилатларига эътибор бермайдилар. Улар баданнинг нуқул газак олган аъзосига қўнмоқчи бўлаётган пашшага ўхшайдилар» (Абул Фарож). «Туҳматга ишониш орқали қанчадан-қанча дўстлик иплари узилган, қанчадан-қанча хонадонлар хароба бўлган» (Лукиан). «Одатда меванинг сарасини қурт ганидек, бўхтон ҳам яхши одамларга ёпишади» (Ж.Свифт).

Ҳа, минг афсуски, туҳмат балоси ҳам яхшиларнинг, бирор соҳада омади чопиб, иши юришиб қолганларнинг гарданига ёпишади. Яна мевали дарахтга тош отилади! Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носирлар тақдирини бир бор эслаб қўйишнинг ўзи кифоя. Халқимизнинг бу асл фарзандлари энг биринчи навбатда ғаразгўй, тошбағир, қораюрак ҳамкасбларининг қурбони бўлдилар. Ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузлари бўлган бундай жаҳоншумул истеъдодлар ҳасадгўй ва ғаламис ҳамкасбларнинг бўҳтони туфайли бу ёруғ оламни бағри хун бўлиб ўтказишга, оташин сўзларини бўғизларида олиб кетишга мажбур бўлдилар.

Хўш, туҳмат шу қадар жирканч иллат экан, унга қарши қандай чора қўллаган маъқул? Бизнингча, чораларнинг энг биринчи ва энг осони – туҳматчининг сўзини тингламасликдир. Зеро, шариат ҳукмига биноан ғийбатни тингловчи ғийбатчининг шеригидир. У ғийбатчини инкор қилиб, гапини бўлиш, мавзуни бошқа ёққа буриш билангина бу гуноҳдан қутулиб қолади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан ривоят қилинган ҳадисда «кимнинг ҳузурида мўмин киши хорланса-ю, қодир бўла туриб ҳимоя қилмаса, Аллоҳ таоло уни қиёматда халойиқ ҳузурида хўрлайди» деганлар. Аксинча, кимки мўмин мусулмонларни ғийбатчилардан ҳимоя қилса, улкан иш қилган бўлади ва чексиз савобга қолади. Қиёмат куни ажрини олади. Ҳадиси шарифда: «Кимки мўмин кишини мунофиқ айбловидан ҳимоя қилса, қиёмат куни Аллоҳ унинг гўштини дўзах оташидан ҳимоя қиладиган фаришта юборади» дейилган.

Бўҳтончи доимо бирор инсоннинг амалига, мансабига, шарафига путур етказишга ҳаракат қилади. Бўҳтон кўплаб бало-офатларнинг сабабчисидир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ ундан ҳазар қилишга буюрган: «Эй, имон келтирганлар, агар фосиқ киши хабар келтирса, уни текшириб кўринглар. Билмасдан бошқа кишиларга мусибат етказиб қўйиб, сўнгра қилган ишларингиздан надомат чекиб юрманг» («Ҳужрат» сураси, 6-оят).

Гарчи туҳматга қарши курашишнинг энг осон йўли тилни тийиш, ўзлари йўқлиги пайтида ўзгалар ҳақида гапирмаслик бўлса-да, «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деганларидек, «миш-миш» билан дунёга келган фосиқларнинг куни «миш-миш»сиз ўтмайди. Шунинг учун бўҳтончига нисбатан энг яхши жавоб сукут билан унга жирканиб қараш ва «Оғзингга тош, оғзингга тош» деган калимани дилда такрорлаб туришдир. Шунда у ўз-ўзидан йўқолиб кетади ва одамлар вақти келиб Сизнинг ҳақлигингизни англаб етади.

Сиддиқ МЎМИНОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Ним табассум

СУВ ПАРИСИГА ҲАВАСИ КЕЛДИ

Ялмоғиз кампир ўрмонда кетаётган экан, бир дарахтда қип ялангоч ўтирган сув парисини кўриб қолипти.

– Ҳа, нега ялангочсан? – деб сўрапти Ялмоғиз.

– Сен нимани билардинг? Бу менинг шаҳвоний кўйлагим.

Ялмоғиз уйига келиб, устидаги эски-тускиларини ечипти-да, қип ялангоч бўлиб, айвонга чиқиб ўтирипти. Кўчадан Кашчей ўтиб қолипти.

– Ҳа, кампир! Қариганда эсингни едингми? Нега ялангоч ўтирибсан?

– Кўп вайсама, тентак. Бу менинг шаҳвоний кўйлагим.

– Э-э шунақами? – дебди Кашчей. – Бўлмаса у ёқ-бу ёғини дазмоллаб олгинда...

ЎЙИНГА ЯРАША ҲИСОБ

Бир одам йўлда кетаётиб қараса, чўпон қўй билан шоҳмот ўйнаяпти. У ҳайрон бўлиб сўрапти:

– Хўш, қалай?

– Нима – қалай? Қўй қўй-да...

– Ҳисоб неча бўлди?

– Икки-ю икки...

ТИРИКЧИЛИКНИНГ АЙБИ ЙЎҚ

Маймун дарё бўйида ўтириб олиб, сувни қамчинлаб ҳайдаётган эмиш. Тимсоҳ сўрапти:

– Нима қиляпсан?

– Бир сўм берсанг айтаман.

Тимсоҳ бир сўм берипти.

– Қани, айт-чи, нима қиляпсан?

– Кўрмаяпсанми? Сувни қамчилаб ҳайдаяпман.

– Вой аҳмоқ-ей...

– Аҳмоқманми, йўқми, лекин ҳар куни ўн сўм тушиб турипти.

КАНАЛАР ЖАНГИ

Икки ошна учрашипти.

– Ҳа, нега қовоғингдан қор ёғяпти?

– Менинг каналарим қўшнининг каналарига уруш эълон қилипти...

– Ундай бўлса, хурсанд бўл – бир-бирини қириб битиради.

– Хурсанд бўласана, бўласан. Кеча меникилар бир ярим минг асирни олиб келишди.

ФАЛСАФА

Кўпчилик булбулни мақтабди. Бундан ҳайрон бўлган ҳўкиз сўрапти:

– Булбулни мақтаяпсизлар, шохи жуда зўрми дейман-да?

– Булбулнинг шохи йўқ.

– Тавба! – деб ҳайрон бўлипти ҳўкиз. – Шохи бўлмаса,нега мунча мақташади.

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН


Ёш пианиночиларнинг навбатдаги IX Халқаро танлови Грецияда бўлиб ўтди. «Конзертеум – 2003» шиори остида уюштирилган бу нуфузли ижодий кўрикда жаҳондаги 10 мамлакатдан 50 га яқин ёш санъаткор қатнашди.

Ўзбекистондан борган ёш пианиночиларнинг чиқиши ҳам яхши кутиб олинди. Успенский номидаги республика болалар мусиқа мактабининг истеъдодли ўқувчиларидан иборат вакилларимиз Шопен, Бетховен, Бах каби машҳур композиторларнинг фортепьяно учун ёзган асарларидан намуналарни ижро этиб, ўз иқтидорларини намойиш этдилар.

Ёш истеъдод эгаларидан Нодира Дадамуҳамедова, Стасик Шведчиков ва Зуҳра Абдурашидовалар «Конзертеум – 2003»нинг совриндорлари бўлиб, ёруғ юз билан мамлакатимизга қайтиб келишди.

А.АЛИЕВ

КРОССВОРД



Энига: 5.Тўпли спорт ўйини. 8.Ҳафта куни. 9.Гўзаллик, нозиклик. 10.Қуёш ботган пайт. 12.Портловчи қурол. 15.Покистондаги Ҳинд вилоятининг асосий аҳолиси. 19.Ўзбек халқ мақоми. 20.Уй жиҳози. 21.Техника экини. 22.Билим олувчи. 23.Чорва моллари жамоаси. 24.Ит зоти. 25.Қорақалпоғистондаги шаҳар. 27.Вилоят. 29.Газ модда. 30.Транспорт корхонаси. 31.Ўзбекистон халқ шоири, драматург. 32.Жундан ёки ипак аралаштириб тўқилган газлама. 35.Ақлий спорт ўйини. 38.Иш кийими. 39.Тожикистон халқ ёзувчиси. 40.Ўзбекистон халқ ҳофизи.

Бўйига: 1.Юк ташишда ишлатиладиган анжом. 2.Жуда паст, йўғон мусиқий овоз. 3.Механизмнинг конус шаклидаги қисми. 4.Сўз туркуми. 6.Шеърият анжумани. 7.Ҳисоб илмининг илдиз чиқариш амалида қўлланиладиган белги. 11.Пойтахтимизнинг қадимий дарвозаси. 13.Мирзо Улуғбек бунёд эттирган иншоот. 14.Транспорт воситасининг масофа ва хизмат ҳақи кўрсаткичи қурилмаси. 16.Арқонда юриб томоша кўрсатиш санъати. 17.Инерт газ. 18.Шоншараф ҳисси. 26.Алпомиш сиймосини саҳнада гавдалантирган устоз санъаткор. 28.Форс-тожик мумтоз мутафаккир шоири. 30.Ҳўл мевадан тайёрланадиган ичимлик. 33. Ширин ичимлик. 34.Шифобахш чўл гиёҳи. 36.Ижодкор, халқ достонларининг ижрочиси. 37.Қишлоқ хўжалиги соҳаси.

Ф.ОРИПОВ тузди

БАҚЛАЖОН

Расулуллоҳ (с.а.в) бақлажон ея туриб шундай дер эдилар: «Ким бақлажонни зарар қилади деб еса зарарли бўлади, даво нияти билан еса даво бўлади». Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а) шундай ривоят қилади: «Ансорлардан бирининг уйида пайғамбаримиз билан бирга эдим. Дастурхонга бир лаган бақлажон келтиришди. Шунда ўтирганлардан бири: «-Эй Аллоҳнинг Расули, бақлажон сафро қилади, оғизни бадбўй қилади ва ундан мараз ҳосил бўлади-ку», - деди, Пайғамбаримиз: «Жим бўл! Гапирма! Мен Меърож кечаси Жаннатул - даъвога кириб Сидратул мунтахога борганимда, унинг остида бақлажон шохлари осилиб турганини кўрдим. Биродарим Жаброил (а.с)дан сўрадим: Бу бақлажон эмасми? - Ҳа, эй Муҳаммад! Бу Аллоҳнинг бирлигини, сизнинг Пайғамбарлигингизга икрор ва эътироф этган илк ўсимликдир», - деди.

Яна ҳадиси шарифларнинг бирида бу муборак сабзавот ҳақида шундай буюрилган: «Бақлажон гўзал ўсимликдир! Уни яхшилаб пиширинг, турли хил сабзавотлар билан безаб, ундан кўп истеъмол қилинг. Чунки у Аллоҳга имон келтирган илк ўсимликдир. Уни еган одамнинг оғзидан ҳикматли сўзлар чиқади, у димоғни тозалайди, қовуқ ва сийдик йўлларини тозалайди, жинсий касалликларга шифо бўлади».

ҚОВУН

«Қовунда барака бор, чунки унинг таркибида сув бор», дея нақл этилади. Қовуннинг пўстидан тортиб уруғи-ю сувигача истеъмол қилишда фойда бор, дея ривоят қилинган. Ҳадиси шарифда ҳам шундай дейилади: «Жаннатдаги барча таомларнинг лаззатидан қовунда бордир». Яна бир ҳадисда эса пайғамбаримиз: «У қорин тўйдиргани учун таом, ташналикни кетказгани учун суюқлик, хўшбўйлиги учун райҳон, ошқозон ва қоринни тозалагани учун совундир» демишлар.

Қовуннинг яна бошқа фойдалари ҳам бор. Жумладан, қовуқни тозалайди, вужуддаги зарарли нарсаларни ҳайдайди, инсоннинг терисини гўзаллаштиради, оғиз ҳидини хушбўй қилади, бош оғриғини тузатади. Кўзни равшан қилади, иштаҳа очади, қуртларни тўкади ва ҳоказо. Етмиш турли хасталикка даво бўлади. «Бисмиллоҳ» деб ейилган қовун тасбеҳ айтади. Қовунни нон билан емоқлик суннат амалларидандир. Пайғамбаримиз шундай буюрадилар: «Ким қовунни нон билан бирга еса, Аллоҳ унинг етмиш хил хасталигини бартараф этади». Бошқа бир ҳадисда шундай дейилади: «Овқатдан олдин қовун ейилса, қоринни тозалайди, касалликни таг-томири билан йўқ қилади».

Ҳар неъматда минг ҳикмат

АНЖИР

Анжир қалбни юмшатади, қуланж (қаттиқ елка оғриғи) хасталигига яхши даво бўлиб, чиқиндиси оз бўлган гўзал мевадир. Ҳадиси шарифда шундай келтирилган: «Анжир ейингиз! Агар жаннатдан тушган бир мева бордир десам, уни анжир эканлигини айтардим. Анжир бавосил ва никриз хасталигига шифодир».

БЕҲИ

Беҳи емоқ қалбни жилолантиради. Қўрқоқ кимсага жасорат бағишлайди. Меъдани қувватлантиради, қонни тозалайди. Кўнгил айнишини қолдиради. Сийдикни ҳайдайди, чанқоқни босади.

Ҳомиладор аёл учинчи ва тўртинчи ойда беҳи еса туғиладиган фарзанди ғоят гўзал бўлади. Ўтмиш миллатлардан бир қавмда хунук болалар туғилармиш. Пайғамбарларига бундан шикоят қилганларида, Жаноби Ҳақдан ўша аёлларга ҳомиладорликда беҳи едирмоқ ҳақида ўша Пайғамбарга ваҳий келган.

Беҳини пичоқ билан кесмасдан кўп ейиш керак. Чунки пичоқ ундаги хусусиятни йўқотади, сувини кетказади. Ҳадиси шарифда: «Беҳи ейингиз! У қалбни ойдинлатади. Кўнгилни кенг қилади, ҳомиладор аёл еса туғиладиган бола чиройли бўлади». Бошқа бир ҳадисда: «Беҳини оч қоринга енглар, чунки у юракка куч-қувват беради», дейилади.

АНОР

Ҳадиси шарифда шундай дейилгандир: «Ҳар бир анорда мутлақо жаннат сувларидан бир томчи бор». Шунинг учун анорни эҳтиётлаб, донасини ҳам туширмасдан ейиш керак. Анорни еганда шериксиз ўзи ейиши лозим. Чунки жаннат суви томчилаган дона, бошқа биров берган анор доналарида бўлиши мумкин. Шунинг учун ярим анор еган киши ундан маҳрум бўлади.

Анорнинг ички юпқа пардаси ичакларга фойдалидир. Нордон анор билан ширин анорни пардаси билан сиқиб ичилса, ҳароратни босади ва сафрога яхши келади.

(«Мажма ул-одоб» асаридан Нодирхон ҲАСАНОВ тайёрлади)

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net
ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 24.00
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.
Тиражи: 8803 Буюртма Г– 0017